

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • @uzssgzt, uzss@yandex.ru • 2022 йил 3 ноябрь • №42 (1425)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

АҲОЛИНИ СИФАТЛИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ВА ТИББИЙ БУЮМЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ЮЗАСИДАН ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Аҳоли ва тиббиёт ташкилотларининг сифатли дори воситалари ҳамда тиббий буюмлар билан таъминланганлик даражасини ошириш, соҳада таъсирчан жамоатчилик назоратини олиб бориш учун шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, 2022 йил 18 март куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан “Тиббиётдаги ислохотлар – инсон қадрлари учун” мавзусидаги очик мулоқоти доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2023 йил 1 январдан бошлаб:

а) 1-иловага мувофиқ рўйхатда белгиланган дори воситаларидан ташқари барча янги дори воситалари:

клиник тадқиқотларнинг ижобий натижаси асосида давлат рўйхатидан ўтказилади. Бунда, алоҳида дори воситаларини клиник тадқиқотларсиз давлат рўйхатидан ўтказиш Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади;

жойига чиққан ҳолда ишлаб чиқариш шароитларининг “Зарур ишлаб чиқариш амалиёти – GMP” талабларига мувофиқлиги ўрганилганидан сўнг Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтказилади;

б) қуйидагилар бекор қилинади:

рецептсиз бериладиган дори воситаларининг рўйхатини Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқлаш. Бунда, дори воситаларининг рецепт бўйича ва рецептсиз берилиши уларнинг тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаларда белгиланган тартибда амалга оширилади;

дори моддаларини (субстанцияларни) давлат рўйхатидан ўтказиш;

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида амалга оширилган дори воситаларининг рўйхатдан ўтказиш натижаларини тан олишда стандарт намуналарини талаб этиш;

в) Давлат тиббий сўғуртаси жамғармаси орқали молиялаштирилган республика даражасидаги давлат стационар тиббиёт муассасаларида (кейинги ўринларда – шифохоналар) беморларни дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш шифохона орқали амалга оширилади. Бунда, алоҳида ҳолатларда шифохонада беморлар томонидан олиб келинган дори воситалар ва тиббий буюмларни ишлатишга рухсат бериш тартиби Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

2. Белгилаб қўйилсинки:

а) беморларни шифохонада дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш:

дастлаб республика даражасидаги шифохоналарда 2023 йил давомида тажриба-синов тарикасида амалга оширилади;

уларга харажатлар сметаси бўйича ажратилиши кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан кафолатланган тиббий хизматлар ва дори воситалари пакети доирасида харид қилинадиган дори воситалари ва тиббий буюмлар бепул, қолган ҳолларда пуллик асосда шифохонага кириб қилинган нархларда амалга оширилади. Бунда, шифохона томонидан харид қилинадиган дори воситаларининг нархи белгиланган улгуржи референт нархларидан юқори бўлмаслиги лозим;

б) 2023 йил 1 июлдан бошлаб референт нархлари қайд этилмаган ёки қайд этилган нархдан юқори бўлган дори воситаларини сертификатлаштириш тақиқланади.

3. Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2022 йил якунига қадар:

а) 2025 йил 1 январгача бўлган муддатда давлат рўйхатидан ўтказмасдан мажбурий сертификатлаштириш шартини тиббиёт амалиётида қўллаш ва киритишга рухсат бериладиган,

Давоми 2-бетда →

ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИ ВА ИСТИҚБОЛИ

ИНСОН САЛОМАТЛИГИ ҲАР НАРСАДАН ҚАДРЛИ

Пойтахтимизда “Ўзбекистон фтизиатрияси асоси – профилактика, диагностика ва даволашдаги инновацияларнинг яратилиши ҳамда истиқболлари” мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтган эди.

Эътирофлиси шундаки, Ўзбекистон фтизиатрия хизмати роппа-роса бир асрлик тарихга эга. Айниқса, кейинги йилларда изчил профилактик чора-тадбирлар туфайли юртимизда туберкулез, гепатит ва шу каби эпидемиологик хасталикларга чалиниш ҳолатлари сезиларли даражада камайди. Хусусан, бугун жаҳон миқёсида дориларга сезувчан туберкулез билан касалланган беморларнинг даволаш самардорлиги 85 фоизни ташкил қилмоқда. Юртимизда эса бу кўрсаткич 91 фоизга тенг. Албатта, бундай ижобий ўзгаришларга ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ.

Таъкидлашим муҳимки,

Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказимиз мамлакатимизда ушбу хизматни такомиллаштириш, туберкулез ва сурункали носпецифик ўпка касалликларига қарши курашиш, уларни энг замонавий усуллар асосида самарали даволашга хизмат қилувчи етакчи илмий муассаса ҳисобланади. Авваллари мазкур хасталикка чалинган беморлар 8-10 ойлаб шифохонада даволанган бўлса, бугун бу жараён ўрта ҳисобда 60 кунни ташкил қилмоқда. Бонси, марказимиз мутахассислари муолажа жараёнида юқори технологияларга асосланган илғор жаррохлик

амалиётларини муваффақиятли бажармоқдалар. Айниқса, хавф гуруҳига кирувчи аҳоли, хусусан, фертиль ёшидаги аёллар ва ўсмир қизлар флюорографик текширувлардан мунтазам ўтказилаётгани мамлакатимизда туберкулез билан касалланиш 2 маротаба, хасталик туфайли ўлим ҳолатлари эса 6 маротабага камайишига олиб келмоқда. Шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлиги “Чегара билмас шифокорлар” билан ҳамкорликда ушбу касалликни даволашда энг сўнгги илм-фан ютуқларини қўлланган ҳолда қисқа, самарали ва хавфсиз янги дастурни амалга оширилаётганлиги ҳам фикримиз далилидир. Мазкур янги лойиҳа SMARRT (рифампицинга резистент туберкулез касаллиги учун олти ойлик перорал режимлари) деб номланиб, дунёнинг бир қатор мамлакатларида ўтказилади. Айтиш керак, бундай даволаниш



муддати аввалгидек икки йил ёки ундан кўп вақт эмас, балки атиги олти ойни ташкил қилади. Қувонарлиси, юртимизда ўтказилган клиник тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ушбу муолажа режимини ўзининг янгиланган даволаш кўрсатмаларига

киритилишини эълон қилди,- дейди Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази директори, профессор Наргиза Парпиева.

Ибодат СОАТОВА,
журналист.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИАҲОЛИНИ СИФАТЛИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ВА ТИББИЙ
БУЮМЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ЮЗАСИДАН
ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Давоми. Боши 1 бетда

Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтказилган аналоглари мавжуд бўлмаган дори воситалари ва тиббий буюмлар рўйхатини тасдиқласин. Бунда, мазкур дори воситалари ва тиббий буюмлар уларнинг Ўзбекистон Республикасида аналоглари давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб уч ой муддатда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхатдан чиқарилиши лозим;

б) беморларни даволаш учун талаб этиладиган дори воситалари ва тиббий буюмларнинг тўлиқ шифохона томонидан харид қилинишини инobatга олиб:

шифохоналарда дори воситалари ва тиббий буюмлар хариди бўйича мутахассис лавозими жорий этилишини;

шифохоналар томонидан бирламчи зарур бўладиган захиранинг Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан шакллантирилишини таъминласин;

в) Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан харид қилинган дори воситалари ва тиббий буюмларнинг кунлик қолдиғи ҳамда нархлари манбалар кесимида шифохоналарнинг расмий веб-сайтларида жойлаштирилишини ҳамда мунтазам янгилаб борилишини таъминласин.

4. Шифохоналар томонидан дори воситалари ва тиббий буюмларнинг хариди учун тўловлар бюджет тизими бюджетлари харажатлари таснифининг I гуруҳ харажатлари учун белгиланган муддатларда ҳам амалга оширилишига рухсат берилсин.

Молия вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлигининг асосланган ҳисоб-китобларига мувофиқ шифохоналарни дори воситалари ва тиббий буюмлар билан узлуксиз таъминлаш учун талаб этиладиган зарур маблағлар ҳар йили Давлат

бюджети параметрларида кўзда тутилишини таъминласин.

5. Белгилансинки, дори воситаларининг чакана савдосида жамоатчилик назоратини жорий этиш мақсадида 2023 йил 1 майдан бошлаб:

жисмоний шахслар томонидан сотиб олинган дори воситалари учун дорихоналар томонидан тақдим этиладиган харид чекининг фискал белгиси матрицали штрих код (QR-код) ёрдамида сканерлаш орқали солиқ органларининг махсус мобил иловасида рўйхатдан ўтказилганда дори воситалари нархлари Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг ахборот тизимидаги дори воситаларининг чакана референт нархлари билан автоматик тарзда солиштирилади;

матрицали штрих код (QR-код) ёрдамида сканерлаш натижасида дори воситаларининг чакана нархларига белгиланган устамалар ошириб қўлланилганлиги аниқланган тақдирда, тегишли чора кўриш учун бу ҳақда истеъмоличилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун махсус ваколат берилган давлат органига автоматик равишда хабар юборилади;

харид чеки бўйича нарх дори воситасининг чакана референт нархидан ортик деб топилганда, ушбу маълумот асосида ўтказилган текшириш якунига кўра ҳуқуқбузардан белгиланган тартибда жарима ундирилади.

Бунда, харид чекида сотиб олинган дори воситалари ва тиббий буюмларнинг тўлиқ миқдорда кўрсатилмаслиги савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидалари тўғрисидаги қонунчиликни бузиш сифатида эътироф этилади.

6. Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги 2023 йил 1 мартга қадар агентликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан дори воситаларининг ишлаб чиқарилишидан бошлаб уларнинг истеъмоли натижаси-

гача бўлган жараёнларни назарда тутувчи Фармацевтика маҳсулотлари ҳисоби ва назорати ахборот тизимини жорий этсин.

Манфаатдор вазирлик ва идоралар 2-иловага мувофиқ тасдиқланган маълумотларнинг Фармацевтика маҳсулотлари ҳисоби ва назорати ахборот тизимига интеграция қилинишини таъминласин.

7. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги билан биргаликда:

2022 йил якунига қадар биологик фаол қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказишда уларнинг хавфсизлиги ва таркибини назоратдан ўтказиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

2023 йил 1 июнга қадар Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтказилган дори воситаларининг тиббиётда қўлланилишига доир йўриқнома ҳамда биологик фаол қўшимчаларнинг электрон каталогини ишлаб чиқсин ва ўзларининг расмий сайтларига жойлаштирсин.

8. Ҳисоб палатаси Бош прокуратура билан биргаликда мазкур қарорда белгиланган вазифаларнинг тўлиқ ва сифатли ижро этилиши юзасидан доимий назорат ўрнатсин ҳамда ҳар ярим йилда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрациясига ахборот киритиб бурсин.

9. Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

бир ой муддатда биологик фаол қўшимчалар, озик-овқат қўшимчалари, биологик воситалар ва материалларни четдан келтириш ҳамда ишлаб чиқаришга Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали рухсатнома бериш тартибини назарда тутувчи қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

икки ой муддатда “Фуқаролар соғ-

лигини сақлаш тўғрисида”ги ва “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунларига Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан рецeптсиз бериладиган дори воситаларининг рўйхатини тасдиқлаш ҳамда дори моддаларини (субстанцияларни) давлат рўйхатидан ўтказишни назарда тутувчи нормани бекор қилиш юзасидан ўзгартиришлар киритишга доир қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

уч ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Аҳолини сифатли дори воситалари билан таъминлаш юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 4-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

12. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири Б.А.Мусаев белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш ва ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентини маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л. Н.Туйчиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 26 октябрь

ИСТИҚБОЛ

ҲАМКОРЛИК МЕМОРАНДУМИ ИМЗОЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси билан биргаликда ҳамкорлик Меморандуми имзоланди.



Жорий йилнинг 27 октябр кунини Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазири Иброҳим Абдурахимов ва Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси раиси Мирозим Миртолипов ўртасида Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги олий таълим муассасалари, илмий ташкилотлар ва ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларидаги тадқиқотчиларнинг илмий ва инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида ва ҳамкорликда янги истиқболли илмий-инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш мақсадида ўзаро ҳамкорлик Меморандуми имзоланди.



Ушбу Меморандум аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини оширишда, соғлиқни сақлаш тизимига оид мавжуд муаммоларни аниқлашда, уларни илмий ечимини таъминлашда лойиҳалар ва чора-тадбирларни ҳамкорликда амалга оширишда ҳамда ра-

ционализаторлик фаолиятини ривожлантиришда зарур шарт-шароитларни яратишга хизмат қилади.

Сайёра ҚЎЧҚОРОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Инновацион соғлиқни
сақлаш миллий палатаси
бўлими бошлиғи.


НОВОСТИ МЕДИЦИНЫ

ВНЕДРЕНИЯ ИННОВАЦИОННЫХ МЕТОДОВ ЛЕЧЕНИЯ В ЦЕНТРЕ НЕЙРОХИРУРГИИ

Группа ученых Республиканского Специализированного научно-практического медицинского центра нейрохирургии под руководством директора, профессора Г. Кариева в текущем году успешно выполнили и внедрили в ежедневную практику ряд инновационных нейрохирургических вмешательств, успешно применяемых в ведущих нейрохирургических клиниках мира.



К таким можно отнести: селективную интраартериальную химиотерапию; наложение экстра-интракраниального сосудистого микроанастомоза— ЭИКМА (bypass); эндоваскулярное лечение множественных аневризм сосудов головного мозга.

В частности, была проведена эндоваскулярная интраартериальная химиотерапия ретинобластомы двухлетнему ребенку. В проведении операций активно участвовали специалисты-нейрохирурги, прошедшие стажировку в клиниках Японии, Южной Кореи, Турции. Пациенту была диа-

гностирована ретинобластома— злокачественное новообразование сетчатки глаза. Ребенку в Центре онкологии и радиологии были произведены 10 курсов полихимиотерапии фосфамидом, доксерубицином и винкристином. Также произведен 1 курс интравитреальной (внутриглазничной) химиотерапии с Мелфолоном. Несмотря на проведенное лечение, по данным ультразвукового исследования глазных яблок, отмечались признаки очередного рецидива ретинобластомы. Больному, совместным консилиумом в составе онкоофтальмологов, нейрохи-

рургов и интервенционных радиологов с целью органосохранения, была рекомендована и произведена эндоваскулярная суперселективная ангиография arteriaophthalmica с интраартериальной химиотерапией ретинобластомы обеих глаз. Операция прошла без осложнений. Ребенок в стабильном состоянии выписан домой с рекомендациями.

Также в Центре нейрохирургии успешно внедрена и поставлена на поток новая методика высокотехнологичного оперативного вмешатель-



ства — "Наложение экстра-интракраниального сосудистого микроанастомоза— ЭИКМА (bypass)". Аналогично аортокорональному шунтированию, только на микрососудах головного мозга нами восстанавливается кровоснабжение головного мозга путем создания сообщения между по-

верхностной височной артерией, которая кровоснабжает участок кожи головы, и артериями, питающими головной мозг. Пациенты со стенозом магистральных сосудов, а также с крупными неоперабельными аневризмами головного мозга получают надежду на выздоровление с применением данной операции.

Пациенты с множественными аневризмами до недавнего времени в Узбекистане относились к категории неоперабельных, либо выполняли в несколько этапов с большой вероятностью развития глубокой инвалидизации. Внедрение методики последовательного эндоваскулярного выключения множественных аневризм перевело их лечение в разряд миниинвазивных. Даже пациенты пожилого возраста и с двухсторонней локализацией аневризм, через маленький прокол имеют большой шанс на одномоментное безболезненное излечение с минимальной вероятностью развития осложнений.

Шавкат РАСУЛОВ,
нейрохирург отделения
сосудистой нейрохирургии
Республиканского
специализированного
научно-практического
медицинского центра
нейрохирургии.

МЕНИНГИТ НЕГА КУЗДА АВЖ ОЛАДИ?

Кунлар совиб, хаво хароратининг сезиларли даражада ўзгариши аҳоли орасида турли юқумли касалликларнинг авж олишига замин яратади. Улардан бири менингитдир.

Менингит — ўта юқумли касаллик бўлиб, бош ва орқа мианинг ялигланиши ҳамда умумий интоксикация белгилари билан кечади. Бунда юкори тана харорати, мия шишиши, бош чаноғи ичида босим кўтариллиши кузатилиб, орқа мия суюқлигининг ликвори ўзгаради. Аксарият ҳолларда касалликка вирус, баъзида бактерия, замбуруғлар ёки оддий микроорганизмлар ҳам сабабчи бўлади.

Ҳатто, бактерия ва вирус биргаликда ҳам касалликни келтириб чиқариши мумкин. Менингит жуда тез авж олади. Агар бемор тана харорати тўсатдан кўтарилган вақт унга ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатилмаса, бу ҳолат ўлим билан тугайди. Ушбу касаллик асосан хаво

хароратининг ўзгариши, овқат рационалидаги чеклашлар ва витамин етишмаслиги сабабли келиб чиқади. Қолаверса, иммунитет пастлиги, пневмония, фарингит, отит, грипп, туберкулез, сифилис, ОИТС, жигар циррози, кучли стресс, невроз, бош мия чайқалиши, совуқ котиш, антибиотикларни палапартиш қабул қилиш ҳамда кучли диета қаби-лар ҳам менингитни чақариши мумкин.

Хасталик кўзгатувчиси одамдан одамга юққани боис ушбу инфекцияга фақат инсонлар чалинади. Унинг манбаи инфекцияни ташувчилар ҳисобланади. Бу хасталик йил давомида кузатилиши мумкин, аммо уни кўпроқ мавсумий (куз-киш ва баҳор) дард, десак тўғри бўлади.

Бу вирус ташки муҳитга чидамсиз бўлиб, одам организми-дан ташқарида 30 дақиқадан сўнг нобуд бўлади. Микроб бурун, ҳалқум, орқа мия суюқлиги, қон ва терида кўпаяди. Шу боис унга чалинган бемор инфекция манбаи ҳисобланади. Менингит инсталган ёшда учраши мумкин.

Бироқ сўнги йиллардаги тахлилларга кўра, касаллик 70-80 фоиз ҳолатда 14 ёшгача бўлган болаларда кузатилмоқда. У, айникса, бир ёшли ўғил-қизларда оғир кечади. Чунки уларда иммунитет тизими яхши шаклланмаган бўлади.

Касалликка чалинган инсоннинг тана харорати 40 даражагача кўтариллади. Бемор бош оғриши, бош айланиши, томоқ ачишиши, ютинишдаги оғрик, бурун битиши, кўнгили айниши, қусиш, эшитиш қобилиятининг бузилиши қабилардан шикоят қилади. Қолаверса, ҳолсизлик, ҳалқум орқа деворининг шиши, қалтираш ва судирги кузатилади.



Оғир ҳолларда хушни йўқотиш, болаларда талвасалар, кам ҳолларда эса галлюцинация юзга келиши мумкин. Барча клиника белгилар 1-2 кун ичида кучайиб боради. Биринчи кун охири, иккинчи кун бошларида терида тошмалар тоша бошлайди. Улар бир вақтнинг ўзида терининг барча юзаларида, айникса, оёқларда пайдо бўлади. Баъзида бармоқларнинг учи, товон, қулоқ супраларида ҳам ривожланиши мумкин. Бундай пайтда зудлик билан

шифокорга мурожаат қилиш керак. Сабаби ушбу ҳолатда хасталикка чалинган инсон уй шароитида эмас, балки юқумли касалликлар шифохонасида тиббиёт ходимлари назорати остида даволаниши лозим. Қолаверса, бемор хонадони дезинфекция қилиниши ва унинг яқинлари мутахассис кузатувида бўлиши мақсадга мувофиқ.

Мухайё АСИЛОВА,
Республика вирусология
илмий текшириш институти
клиникаси бош шифокори.

АНЖУМАН

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК – БУ САМАРАДОРЛИК МЕЗОНИ

Ҳозирги кунда бутун дунёда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам аҳоли орасида юрак-қон томир касалликларидан касалланиш, ногиронлик ва унинг оқибатидаги ўлим кўрсаткичи юқориликча қолмоқда. Юрак-қон томир касалликлари ичида гипертония касаллиги энг кўп учрайди ва юрак-қон томир касалликларининг 25 фоизини ташкил этади.



Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Халқаро ҳамкорлик бўйича 2022 йил режасига асосан жорий йилнинг 1 ноябрь куни марказнинг катта мажлислар залида “Ўзбекистонда артериал гипертониядан касалланиш ва ўлим кўрсаткичини камайтиришда жамоат саломатлигига турли соҳалар бўйича ёндашув” мав-

зусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Мазкур конференция пойтахтимиздаги Халқаро Весминстер Университети ва Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази томонидан ташкил этилди. Анжуманда кардиолог, терапевт, Тошкентдаги Халқаро Весминстер университети талаба ва магистрантлари иштирок этишди. Кон-

ференцияда Гипертензиология бўйича Швейцариялик йirik мутахассис, Берн университети, Швейцария юрак-қон томир маркази, Биомедицина тадқиқотлари департаменти профессори Франц Мессерли “Гипертонияни даволашда янги концепциялар” мавзусида маъруза қилди. Шунингдек, хорижлик мутахассис билан бирга Тошкентдаги Халқаро Весминстер университетидан Евгения Шалаева, марказнинг артериал гипертония лабораториясидан профессор Г. Хамидуллаева “Ўзбекистонда гипертензиологиянинг ривожланиши: ўтмиш, ҳозир ва келажак”, тиббиёт фанлари доктори Г. Абдуллаева “Кардиогенетика: 20 йиллик тажриба ва келажак истиқболлари”, тиббиёт фанлари номзоди Р. Алиева “Юқори хавф гуруҳига кирувчи беморларда юрак-қон томир касалликлари профилактикаси” мавзусида чиқиш қилдилар. Иштирокчилар юрак-қон томир касалликларида энг кўп учрайдиган артериал гипертония касаллигини даволаш ва диагностикасидаги долзарб муаммолар, юрак-қон томир касалликлари профилактикасидаги ян-



ги концепция, ўзбекистонда юрак-қон томир касалликлари бўйича тизимдаги фаолиятлар тўғрисида чуқур маълумотга эга бўлдилар. Шунингдек, конференцияда артериал гипертония касаллигини даволаш ва диагностикасида замонавий усуллар ҳамда юрак-қон томир касалликларидан содир бўладиган ўлим кўрсаткичини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Шу билан бирга Новосибирск шаҳридан келган кардиожаррох, Мешалкин номи юрак-қон томир жаррохлиги марказининг профессори А. Богачев-Прокофьев юрак туғма ва орттирилган нуқсонларида замонавий протезлаш амалиёти бўйича маҳаллий шифокорлар билан биргаликда маҳорат операцияларини ўтказди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, бу каби нуфузли даражадаги Халқаро ҳамкорликда ўтказилган мазкур конференция соҳа мутахассисларини назарий ва амалий билим ҳамда илмий салоҳиятларини оширишда муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Хамидулла ТОШПҮЛАТОВ,
Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Ташкилий-услубий бўлими раҳбари.

ФАН УФҚЛАРИ

15 ДАН ЗИЁД ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИК
АМАЛИЁТЛАР ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ

Сўнги пайтларда тиббиёт тизимини рақамлаштириш, соҳада телемедицинани йўлга қўйиш ишлари янада жадаллашди.



Бундай ижобий ўзгаришлар, энг аввало, беморлар ва шифокорларга қатор қулайликлар яратиб, ортиқча вақт ва харажатларнинг тежалишига хизмат қилмоқда. Хусусан, телемедицина тиббиёт муассасаларининг ихтисослашган марказлар ва хорижий клиникалар билан интеграциясини таъминлаш, беморлар аҳволини кузатиш, маслаҳат бериш ҳамда соҳа ходимлари ҳамкорлигини ривожлантиришда муҳим роль ўйнамоқда. Шу боис бугун Республика ихтисослаштирилган кардиология ил-

мий-амалий тиббиёт маркази мутахассислари томонидан ҳам телемедицина орқали беморларга масофадан туриб ташхис қўйиш ва даволаш ишлари мунтазам олиб бориляпти.

Айни пайтда муассаса ва унинг ҳудудий филиаллари ҳамда туман тиббиёт бир-

Қолаверса, превентив кардиология, нур ёрдамида диагностика лабораториялари, янги каминвазив кардиожаррохлик ва операциядан кейинги тикланиш илмий-тадқиқот лабораторияларини ташкил этиш ҳисобига марказда яна 15 дан зиёд янги юқори технологик амалиётлар йўлга қўйилади.

Анвар КАРИМОВ,
Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази директори ўринбосари.

лашмалари ўртасида ЭКГ телеметрик алоқа ўрнатилган. Хусусан, ҳудудий тиббиёт муассасаларидан юборилган беморнинг кўрик натижалари мутахассисларимиз томонидан таҳлил қилиниб, ташхис ва даволаш бўйича керакли тавсиялар бериб борилмоқда. Эътиборлиси, 2022 йилнинг ўтган 9 ойи давомида беморларга 4 минг 850 та ЭКГ телеметрик тиббий маслаҳатлар берилди. Натижада олис ҳудудларда яшаётган кўплаб фуқаролар пойтахтга келмасдан туриб, малакали мутахассислардан даво ҳамда тиббий тавсия олиш имконига эга бўлди.

Яқин келажакда марказ клиникасини кўп тармоқли шифохона сифатида трансформация қилиш, муассасанинг юрак-қон томир касалликлари илмий тадқиқотлар лабораториясини 5 миллион АҚШ доллари ҳисобига замонавий ускуналар билан жиҳозлаш режалаштирилган.

МЕХАНИЗМЛАР БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ
ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА

Пойтахтимизда давлат тиббий суғуртаси механизмларини босқичма-босқич жорий этиш бўйича тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, Чилонзор туманида ҳам тиббиёт муассасалари зарур компьютер, тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашиб, маҳаллий тармоқлар қурилмоқда.

Беморнинг электрон тиббий картасини шакллантириш, тор профилдаги мутахассисларга мурожаат қилиш, шунингдек, амбулатория шароитида даволаниш учун дори-дармонларни қабул қилиш учун электрон рецептлар ёзиш имконини берадиган тиббий ахборот тизимини ишлаб чиқиш яқунланмоқда.

Бу эса аҳолини давлат томонидан қафолатланган тиббий ёрдам доирасида соғлиқни сақлаш хизматлари билан кенг қамраб олинишини ва шаффофликни таъминлайди. Шунингдек, аҳоли учун бир қатор қулайликлар яратилади, масалан, оилавий шифокор қабулига олдиндан ёзилиш, дори-дармонларни электрон рецепт орқали олиш шулар жумласидандир. Кунни кеча Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси билан ҳамкорликда Чилонзор туман тиб-

биёт бирлашмасида ҳам давлат тиббий суғуртаси механизмларини ҳудудларда, жумладан Тошкент шаҳрида жорий этишга тайёргарлик жараёнларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Семинарда Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси Тошкент шаҳар ҳудудий бош мутахассиси Жавлон Артиков “Давлат тиббий суғуртаси механизмлари асосида тиббиёт ташкилотларини молиялаштириш тартиби” ҳамда Чилонзор туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Раъно Носирова “Бирламчи тиббий-санитария муассасаларида шифокор олди кўриги хоналарини ташкил қилиш, беморларни тор мутахассис ва шифохоналарга йўллаш тартиби” бўйича тақдирот ўтказди.

Намозжон ТОЛИПОВ.

“ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИ – ИНСОН ҚАДРИ УЧУН”

“ТЕЗ ЁРДАМ” ҲАЙДОВЧИСИ УЧУН НИМАЛАР ЎЗГАРДИ?

Чакирув бўйича тез ёрдам бригадаси хонадонга етиб боради. Зудлик билан қон босимини ўлчашга киришган шифокор аёлга бемор – тахминан етмиш ёшлардаги онахон қорин ва кўкрак соҳаларидаги кучли оғриқдан, яна бир қатор нохуш ҳолатдан шикоят қилади. Тиббиёт ходими унга инъекция ўтказишга улгурмай туриб, онахоннинг аҳволи ёмонлашади...



Бу яширин инфарктнинг аломатларидан бири эди. Аслида уй эгалари аёл соғлигида ўзгаришлар содир бўлганида ўзлари билганларича муолажа қилишган, вазият ўнганмагач, “103” хизматига кўнгирак қилишганди. Шу ерда ўтирган ўғиллар “дўхтир укол қилиб, онамизни ўлдириб қўйдим”, деган гумонга бориб, тиббиёт ходимларини дўппослай кетишди. Уларнинг “хай-хай”лашига ҳам ҳеч ким кулоқ тутмайд.

Ичкарида бошланиб кетган олатасирдан ташқарида ўтирган қирқ ёшлардаги ҳайдовчи сергак тортди. Ичкарига кирса, икки-уч хотин-халаж “онам”лаб турган, девдай келадиган иккита эркак эса оқ халат кийган тиббиёт ходимларига ташланган. Соҳада ишлаб тажриба орттирган эмасми, аёлнинг тирик эканлигига амин бўлгач, уни даст кўтариб эшикка йўналди. Кимдир силтаб тортди, урмоқчи бўлган қўл ҳаво муаллақ қолди.

– Онахон хали тирик! Агар яна андак фурсатни бой берсак, ундан айрилиб қолишларингиз аниқ! Танланг!..

Улгуришди. Ўз вақтида кўрсатилган шошилиш ёрдам ва муолажалардан кейин ҳалиги аёл соғайиб кетди. Унинг ўғиллари эса музлам бўлиб, шифокорлардан кечирим сўрашди.

Бу воқеа бундан тахминан саккиз йиллар олдин Ромитан туман тиббиёт бирлашмасига қарашли Тез ёрдам бўлими фаолиятида кузатилган. Бугун ўша жасур ҳайдовчи Бухоро вилоят ССБга қарашли автокорхонанинг Ромитандаги колоннасига раҳбарлик қилмоқда. У – Алишер Ҳамроев.

Мазкур автокорхонада элик икки нафар ҳайдовчи иш билан банд. Уларнинг тасарруфида 13 та (1 та “Ниссан”, 1

та “Фолсфоген”, 1 та “УАЗ” ва 10 та “Дамас” русумли) автомашина мавжуд. Туман бўйича 9 та ОП бўлиб, улар орасида энг олис ҳудудлардан бири саналган “Қизилравот”га “УАЗ” ва “Дамас” автомашиналари бириктирилган. “Қалайчорбоғ”га “Фолсфоген”, қолган ҚОПлар эса “Дамас” автомашинаси билан таъминланган.

Илҳом Жўраев, Бахтиёр Ярашев, Рашид Сафаров, Нутфилло Шодиев сингари ҳайдовчилар ўз ҳамкасбларига ибрат бўлаётган ходимлардандир. Уларнинг аксарияти 20-25 йиллик тажрибага эга бўлиб, кўплаб шогирдлар етиштирилган.

Сўнгги йилларда тиббий хизмат сифат ва самардорлигига эътибор ортгани баробарида автокорхона кадрлари салоҳиятини оширишга бўлган талаб ҳам ошиб бормоқда. Ходимлар техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш талаб-қоидаларига оид билим-кўникмалари шакллантирилмоқда, улар инструктор синовларидан ўтказилмоқда.

Очигини айтганда, қай бир автокорхонада бўлманг ва у ердаги қайси бир ҳайдовчи билан суҳбатлашманг, энг аввало автомобиллар учун берилётган эҳтиёт қисмларнинг сифати яхшиланишини, ёқилги ҳамда ёқилги мойлаш маҳсулотлари ўз вақтида берилётганлигини, ортиқча оврагарчиликлар бугун барҳам топганлигини, энг асосийси, меҳнатга яраша рағбат ошганлигини гапирди. Бир пайтдагидек ходим раҳбарга моддий ёрдам сўраб рангини сарғайтирса, “Ойлигингни олаётганингга шукр қил! Менинг олдимга пул деб келгунча, ишла!” каби таънаю-дашномлар энди йўқ. Ходимлар мукофот ва ёрдам пул-

ларини меҳнат қонунчилигида белгиланган муддатларда олаётганлар. Қачонлардир техника “чўккалаб қолса”, ҳайдовчи қора мойга ботиб уни ўзи тузатар, эплотмаса, уста ёллашга мажбур бўларди. Эндиликда бу муаммога ҳам ечим топилган: уловларни усталар тузатаёпти. Муаммоларга ўрин қолдирилмаётганлиги сабабми, чакирувлар бўйича кечикишлар кузатилмаяпти. Фуқаролардан ҳам сўнгги йилларда эътирозлар келиб тушмаяпти. Ёлғон чакирувлар ҳақида-ку гапирмаса ҳам бўлади энди.

Бухоро вилоят ҳокимлиги Соғлиқни сақлаш бошқармасининг автотранспорт корхонаси Давлат корхонасида бугунги кунда жами турли русумлардаги 252 та автотранспорт воситалари мавжуд бўлиб, 936 нафар ишчи ходимлар меҳнат фаолиятини олиб боради.

2020 йил давомида (декабрь ойига қадар) автокорхонага 685 млн. 480 минг сўмлик товар моддий бойликлари ва эҳтиёт қисмлар олинган бўлиб, ушбу эҳтиёт қисмларнинг кўп микдори автокорхонага етиб келмай, корхонанинг собиқ мансабдор шахслари томонидан талон торож қилиниб, гўёки автокорхона автотранспортлари берилганлиги кўрсатилиб, ҳужжатлар расмийлаштирилган, аммо таъмирталаб автотранспортлар автоколонна бошлиқлари ва ҳайдовчиларнинг ўз ҳисобидан сотиб олинган эҳтиёт қисмлар орқали автотранспортлар таъмирланган.

2020 йил декабрь ойида Автокорхона директорлигига тайинланган янги раҳбар Сухроб Рустамович Зариповнинг вилоят Молия бошқармасига тинмай мурожаат қилиши натижасида 2021 йилда жами 1 млрд. 197 млн сўмлик товар моддий бойликлари ва эҳтиёт қисмлар олинишига эришилиб, барча таъмирталаб автотранспортларга берилган. Шунга қадар эҳтиёт қисмлар берилмаслиги оқибатида ишга яроқсиз ҳолда автокорхона саройида турган жами 14 та тиббий хизмат ва тез тиббий ёрдам автомашиналари 2021 йилда капитал таъмирланиб, ишга чиқарилган.

Ромитанга туташ Пешкў туманида ҳам бу йўналишда ижобий ишлар йўлга қўйилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. ТТБга “Тез ёрдам” бўлимида 9 та автомобил (шундан 7 таси ҚВПлар тасарруфида) мавжуд ва қирқ нафар ҳайдовчи фаолият юритади. Эрталаб соат 8:00да ҳайдовчилар ишга киришадилар ва кечки 20:00гача хизматда бўладилар. Навбат-



даги смена улардан техникани қабул қилиб олиб, эрталабки вақтга қадар ишни давом эттиради. Улар учун бу ерда дам олиш, ювиниш хоналари ташкил этилган. Феруз Арабов, Содик Намозов, Обид Тўраев, Икром Тангриевлар фаол ходимлар қаторидалар.

– Раҳбарият томонидан, дейди тўққиз йилдан бери фаолият юритиб келадиган ҳайдовчи Нодиржон Турсунов, – ходимларнинг маданий ҳордиқ чиқариши, уларни спортга ошно этиш тадбирларига, айниқса, катта эътибор қаратиляпти. Турли санаторийларга йўланмалар бериляпти, турли спорт мусобақалари ўтказилиб, голиб жамоалар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланаяпти. Ҳар бир ҳайдовчи бугун эътиборда. Унинг туғилган куни бўладими, тўй-маъракаси бўладими, йўқланади, зарур ҳолларда ёрдам кўрсатилади. Мени қувонтирган жиҳат шуки, қайсидир тумандаги тез ёрдам бўлимида ишлайдиган бир ҳайдовчи оғриб касалхонага тушса, вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли махсус автокорхона раҳбари Сухроб Зарипов фурсат топиб унинг ҳолидан хабар олмақда, кўнглини кўтармоқда. Бундай эътибордан кўнглимиз тоғдай кўтарилади, ғайратимизга ғайрат қўшилади.

Муқаддам автокорхонанинг бир қатор мансабдор шахслари томонидан автокорхона ва унинг автоколонналари ҳайдовчиларидан ишга қабул қилиш, корхонага олиб келинган янги автомашиналарга ҳайдовчи сифатида бириктирилиши ҳамда ҳайдовчиларнинг аксариятидан ҳайдовчи бўлиб ишлаётганлиги учун пул олиниб, таъмагирилик қилиб келинган. Пул маблағлари бермай, ўз ҳақини талаб қилган ҳайдовчиларнинг иш фаолиятидан арзишмаган айб топилиб, ишдан бўшатилган.

Жумладан, 2020 йилнинг декабрь ойига қадар ноҳақ ишдан бўшатилган автокорхона ҳайдовчилари А. Кўчқоров, М. Камолов, Ф. Акилов, И. Садриддинов, Д. Ҳайдаров ва Р. Ражабовларнинг иш фаолияти адолат юзасидан 2021 йилда қайта тикланди.

Автокорхона ҳайдовчиси Ри-

Бу барча-барчаси мамлакатимизда олиб борилаётган оқилона сиёсат ва халқимизнинг амалга оширилаётган изчил ислохотларга хайрихоҳлиги самараларидир. Бундан айнан “Инсон қадрини учун” эзгу гояси дастуриламал вазифасини ўтайди.

Ҳамзабек ТУРДИЕВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

заев Дониёр иш жойида бахтсиз ходиса туфайли вафот этганлиги ҳолати бўйича, автокорхонанинг собиқ мутасадди ходимларининг иш вазифаларини лозим даражада бажармай, тегишли ҳужжатларни суғурта компаниясига тақдим қилмаганлиги натижасида, иш жойида вафот этганлиги сабабли тўланиши зарур бўлган суғурта товони тўланмай келинган. Бу ҳолат юзасидан автокорхона янги раҳбариятининг ёрдами билан вафот этган Дониёр Ризаевнинг оиласига 106 млн. 393 минг 622,46 сўмлик суғурта товони тўлаб берилди.

2020 йилда “Коронавирус” пандемияси даврида ҳомийлик сифатида берилган 1 мартабалик моддий ёрдам пуллари билан, автокорхонанинг собиқ бош ҳисобчиси О.Тўймуродовнинг айби билан 323 млн. сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобланиб, автокорхона ҳисобидан тўлаб юборилган. Ушбу ҳолат юзасидан олиб борилган ҳаракатлар натижасида, ноқонуний ундирилган 323 млн. сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар қайтарилишига эришилди.

2020 йилда автокорхонанинг санокли ҳайдовчи ва ишчи-ходимлари рағбатлантирилган бўлса, 2021 йил давомида жами 215 нафар фаол ишчи-ходимлар жами 82 578 000 (саксон икки миллион беш юз етмиш саккиз минг) сўм пул маблағлари билан рағбатлантирилган.

2021 йилнинг май ойида ишчи ходимларнинг маънавий ҳордиқ чиқаришлари учун Қашқадарё вилоятининг “Мираки” дам олиш масканига ҳамда август ойида Жиззах вилоятининг “Зомин” дам олиш масканига саёҳатлар ташкиллаштирилган.


Автокорхонада кўп йиллар ишлаб соғлиғи ёмонлашганлиги туфайли даволаниб келадиган ходимлар ҳолидан мунтазам хабар олиниб, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида озик-овқат ва дори-дармон сотиб олишлари учун моддий ёрдам кўрсатилмоқда.

Айниқса, “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла” йилида автокорхона ходимларининг ўз ишларидан манфаатдорликлари, моддий фаровонликлари анча оширилди.

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

ЮҚОРИ БАҲО ОЛГАН
МАЪРУЗАЧИМИЗ СЕУЛ
ШАҲРИГА ТАКЛИФ ЭТИЛДИ

Жорий йилнинг 29-30 октябрь кунлари Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрида Осиё олимларининг нуфузли илмий-амалий анжумани - АСУС 2022 5-Конгресси бўлиб ўтди.



Илмий анжуман спикерлар каторига киритилган Бухоро давлат тиббиёт институти профессори Баходир Сафоев анжуманнинг пленар қисмида Бухородан туриб, онлайн тарзда Ўзбекистон делегацияси номидан илмий маъруза қилди.



Маръуза анжуман ташкилотчилари ва қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди. Юқори баҳо олган маъруза муаллифи сифатида ўзбек олимга АСУС президенти Ил Ёунг Парк томонидан кейинги анжуманда Сеул шаҳрига келиб маъруза ўқиш таклифи берилди. Анжуманда профессор Баходир Сафоев раҳбарлигида Бухоро давлат тиббиёт институти умумий хирургия кафедраси ходимлари ва 100 га яқин талабалар иштирок этди.

Фахр билан айтиш жоизки, Президентимизнинг таълим борасидаги ҳамкорлик фаолиятлари қаратаётган эътиборлари боис, тиббиёт тизимидаги олий ўқув юртлири, қолаверса, барча таълим муассасаларининг олим, профессор, ўқитувчи-педагоглари хорижий давлатларда ўтказилаётган нуфузли анжуманларда фаол иштирок этиб, долзарб мавзуларда маърузалар қилишмоқда. Шундай экан, бундай мақсадли тадбирлар замирида инсон саломатлиги ётар экан, бу борада халқаро ҳамкорликнинг самараси ниҳоятда катта бўлмоқда. Чунки, соҳа мутахассислари кенг аудиторияда ўтказилаётган бу каби юқори даражадаги анжуманларда назарий-амалий ва илмий салоҳиятларини намойиш этмоқдалар. Бир сўз билан айтганда, халқаро ҳамкорликдаги анжуманлар ҳамжиҳатликдаги самарали фаолиятларнинг мезонини ташкил этади.

Намоз ТОЛИПОВ.

БУДУЩЕЕ БЕЗ ТАБАКА

44 МИЛЛИОНА МОЛОДЫХ ЛЮДЕЙ В ВОЗРАСТЕ
13-15 ЛЕТ УПОТРЕБЛЯЮТ НИКОТИНОВЫХ ИЗДЕЛИЙ

Недавно в филиале МГУ имени М. В. Ломоносова проведено информационно-просветительское мероприятие на тему: “Будущее без табака!”

Мероприятие проведено с целью повышения информированности молодежи о последствиях потребления табака, пассивного курения, формирование негативного отношения к потреблению табачных изделий, необходимости соблюдения правил здорового образа жизни. В мероприятие приняло участие около 200



студентов филиала МГУ им Ломоносова (офф-лайн) и других филиалов российских ВУЗов в Узбекистане (он-лайн), а также руководство, сотрудники и преподаватели университета. С приветственной речью выступили исполнительный директор филиала МГУ имени М. В. Ломоносова Э. Сайдама-тов и председатель правления Общественного фонда Ибн Сино Н. Махмудов. По данным ВОЗ, табак ежегодно убивает более 8 миллионов человек во всем мире. Более 7 млн. из этих случаев смерти от прямого употребления табака и около 1,2 млн. из-за того, что некурящие подвергаются воздействию вторичного табачного дыма. Во всем мире около 44 млн. молодых людей в возрасте 13-15 лет (около 12%) употребляют ту или иную форму табака.

По данным GYTS, исследования проведенные в 2021 году в Узбекистане среди подростков в возрасте 13-15 лет показало, что подростки, когда-либо употреблявшие табак составляют 7,7%, из них 9,9% юношей и 5,2% девушек. Подростки, когда-либо употреблявшие электронные сигареты составили 2,1%, бездымный табак 2,7%.

Известно, что курение наносит наибольший вред именно растущему организму. Здоровье, подорванное никотином в юном возрасте, существенно снижает качество жизни, увеличивает нагрузку на здравоохранение, негативно сказывается на формировании будущей молодежи. Кроме того, у молодых людей зависимость формируется гораздо легче и быстрее, и для этого им нужно меньше никотина, чем

взрослому. А вот избавиться от зависимости, приобретенной в юном возрасте, будет гораздо сложнее, чем если бы эта зависимость сформировалась, у взрослого человека.

В рамках мероприятия “Будущее без табака!” прошла демонстрация двух пропагандистских роликов о вреде употребления табачных и никотиновых изделий, а также были организованы выступления экспертов: Н. Мамаевой, доктора медицинских наук Ташкентского педиатрического медицинского института на тему “Современные подходы к отказу от табака”, а также сотрудников Фонда Ибн Сино и Центра поддержки здорового образа жизни и повышения физической активности населения Министерства здравоохранения С. Юнусовой и М. Валиевой на темы “Факторы здорового образа жизни” и “Здоровое будущее без табака”.

Эксперт “Genetikacenter” Центра ДНК тестирования и профилактической медицины А.Самойленко выступила с докладом-презентацией “Генетика и зависимое поведение”.

Мероприятие прошло в интерактивной, дискуссионной форме.

Нозимхон МАХМУДОВ,
И.о. председателя правления
Общественного фонда
Ибн Сино.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ЭНГ ТЕЗ ВА КЕНГ ТАРҚАЛАДИГАН КАСАЛЛИК

Грипп энг кенг ва тез тарқаладиган ўткир юқумли касаллик бўлиб, деярли дунёнинг барча мамлакатларида учрайди. Бу касаллик асосан, куз ва қиш ойларида кўп ҳолатда учрайди. Ушбу касаллик кўрсаткичларини мавсумийлиги асосан ноябрь ва март ойларига тўғри келади.

Унинг А, В ва С турлари мавжуд. Касаллик манбан фақат бемор одам ҳисобланади. Касаллик атрофдаги соғлом одамларга, асосан, ҳаво-томчи йўли билан бемор аксирганда, йўталганда, гаплашганда тез юқади. Ҳавода сақланиб турган грипп вируси соғлом одамга тезда юқади. Касалликнинг биринчи белгилари пайдо бўлгунга қадар бир неча соатдан 3 кунгача вақт ўтади. Касаллик тўсатдан бошланади ва ушбу хасталикка барча ёшдагилар мойил, айниқса, заиф (нимжон, яъни иммун ҳолати паст) болалар, кекса ёшдаги кишилар, хомилдор аёллар ҳамда сурункали хасталиклари бўлган инсонларда тез ривожланади ва оғир кечади.

Грипп касаллиги нафас йўллари яллиғланиши билан бошланиб, кейинчалик, беморда тана ҳарорати 38-40 даражага кўтарилиши, бош ва томоқ оғриши, бурун битиши, бурундан суюқлик ажралиши, йўтал, мушакларда оғрик, ҳолсизлик, иштаҳанинг бузилиши, баъзи

ҳолларда қусиш ҳолатлари кузатилади.

Касаллик беморларда энгил, ўрта ва оғир шаклларда ўтиши мумкин. Жумладан, касалликнинг энг хавфли асоратлари, ўпка тўқималарининг яллиғланиши – пневмония (зотилжам), менингит (мия пардасининг яллиғланиши), менингоэнцефалит (мия пардаси ва моддасининг яллиғланиши), отит (ўрта кулоқнинг яллиғланиши), синусит (бурун ёндош бўшликларининг яллиғланиши), нефрит ва пиелонефрит (буйракнинг яллиғланиши) кабилардир. Шунинг учун ҳам, гриппнинг ўзи эмас, балки унинг асоратлари кўнгилсиз ҳолатларга олиб келиши мумкин. Баъзида гриппнинг энгил шакллари билан оғирган беморлар атрофдагилар учун кўпроқ хавф тўғдиради. Чунки бундай беморлар аксарият ҳолларда уйда даволанмасдан, касаллигига



етарли даражада эътибор бермай, транспортларда, ўқиш ва иш жойида ўтказдилар. Уларни касалларда учратиш мумкин. ҳолатида жамоат жойларда, барча

Шунинг учун ҳам касалликнинг дастлабки аломатлари сезила бошлаши билан дарҳол даво чоралари кўрилиши лозим. Мазкур касаллик бўйича ўқитувчи ва талабалар ўртасида доимий тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Дилфуза МЎМИНОВА,
Юнусобод Абу Али ибн Сино номидаги жамоат
саломатлиги техникумининг етакчи ўқитувчиси.

ДАВЛАТ ТИББИЙ СУГУРТАСИ

СИФАТЛИ ВА САМАРАЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ КАФОЛАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрда қабул қилинган “Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишининг янги модели ва давлат тиббий сугуртаси механизмларини Сирдарё вилоятида жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида Ўзбекистон тиббиёти учун мутлоқо янги йўналиш — Давлат тиббий сугуртаси жорий этилмоқда.



Унга кўра, давлат тиббий сугуртаси тизимини 2021 йил 1 июлдан 2022 йил якунигача бўлган муддатда Сирдарё вилоятида апробациядан ўтказиш ва унинг ижобий натижаларини 2023 йилдан бошлаб республиканинг бошқа ҳудудларида босқич-ма-босқич жорий этиш назарда тутилган. Ўтган давр мобайнида Сирдарё тажрибаси ўзини оклади. Мисол учун, 2022 йил 9 ой давомида бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий хизматлар ва дори воситалари ҳамжи тасдиқланди. Кафолатланган пакетга 120 турдаги дори воситалари, тиббий буюмлар ва сарфлов материаллари ва барча бўғиндаги тиббиёт муассасаларида бепул кўрсатиладиган тиббий хизмат турлари киритилди. Сирдарё вилоятининг барча туман (шаҳар)лари тиббиёт муассасалари локал интернет тармоғига уланди. Бугунги кунда, вилоят бўйича тиббиёт муассасаларига 1500 та компьютер жамланмаси кўшимча ўрнатилиб, мавжуд эҳтиёж тўлиқ қопланди. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлоқо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохот-

лар самарадорлигини ошириш мақсадида оилавий шифокорлик пунклари ва оилавий поликлиникаларда ҳар 2000 нафар бириктирилган аҳолига 1 нафар амалиётчи ҳамшира (шифокор ёрдамчиси), 2 нафар патронаж ҳамширалари ва даядан иборат тиббиёт бригадалари ташкил қилинди. Тиббиёт бригадаларига бириктирилган аҳоли саломатлигига масъуллигини белгилаш ҳамда мавқеини ошириш мақсадида, фақат оилавий шифокор йўлланмаси асосида бепул тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби жорий қилинди. Йўлланмасиз кўрсатиладиган тиббий ёрдам пуллик асосда амалга оширилиши белгиланди.

Бугунги кунда, лойиҳа доирасида беморларнинг шифохонага оилавий шифокор йўлланмаси билан мурожаат қилиши 85 фоизга етказилди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти кўмағида шифокорлар ҳамда ҳамширалар жорий қилинаётган янги тиббий профилактика ва патронаж тизими бўйича ўқув курсларида қайта тайёрланди. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида белгиланган стандартларга мувофиқ жиҳозланган шифокор олди кўриги хоналари ташкил этилди. Шифокор олди кўриги хонасида бемор ҳамширалар

томонидан мустақил равишда дастлабки скринингдан ўтказилиб, шикоятлари қайд этилади ва зарур ҳолларда оилавий шифокор қабулига йўналтирилади. Натижада, бир беморни кўриш, ташхис қўйиш, даво муолажаларни ўтказиш учун оилавий шифокорнинг аввалги ўртача 5-6 дақиқа ўрнига 15-20 дақиқа вақт ажратиши, ҳар бир беморда чуқур таҳлил ўтказиб, унга кўпроқ эътибор қаратиш имкони яратилди. Дастлабки кўрик натижасида оилавий шифокор қабул қиладиган беморлар сони ортиб, беморларни тор соҳа мутахассисларига йўналтириш ўртача 16 фоизга камайди.

Давлат тиббий сугуртаси жамғармасининг асосий мақсади аҳолини кафолатланган тиббий ёрдам билан тўлиқ қамраб олишни таъминлаш, унинг сифати ва ҳажмини ошириш ҳамда тиббий хизматлар бозорини замонавий талаблар асосида ривожлантиришидир. Жамғарма давлат тиббий сугурта тизимини жорий этиш, бошқариш ҳамда соҳада ягона давлат сиёсатини таъминлашда иштирок этади. Аҳолини давлат томонидан кафолатланган пакет доирасида сифатли ва зарур тиббий ёрдам билан таъминлаш учун тиббий хизматлар харидини амалга оширади.

Мазкур тизимда ҳар бир фуқаронинг саломатлиги давлат ҳисобидан сугурталанмоқда. Бунда аҳоли пул тўламайди ва давлат тиббий хизматни бепул кафолатлайди, яъни тиббий хизмат харажатлари давлат бюджети ҳисобидан қопланади. Шу боис аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва кўлами янада ошади. Касалликларни эрта аниқлаш натижасида аҳолининг ўртача умр кўриш даражасини узайтириш имкони пайдо бўлади. Қолаверса, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базаси, дори- дармон билан таъминланиши сезиларли даражада яхшиланади, тиббиёт ходимларининг ойлик маоши босқич-ма-босқич ошириб борилади. Давлат тиббий сугуртасининг энг асосий талабларидан би-

ри – энг аввало, ҳар бир инсон ўз ҳудудидаги оилавий шифохонага бириктирилган бўлиши керак. Фуқаро оилавий шифохона эшигидан кириши билан уни рўйхатга олиш, шифокорга кириши, таҳлиллардан ўтиши назоратга олинади. Кафолатланган тиббий хизматлар текин амалга оширилади. Аҳоли кафолатланган пакет доирасида бепул тиббий ёрдам олиш, яъни шифокор қабули, ихтисослашган мутахассислар билан маслаҳатлашиш, скрининг текширувларидан ўтиш, стационарларда даволаниш ҳуқуқига эга. Бу жараёнда мажбурият - битта, у ҳам бўлса, энг аввало оилавий шифокорга мурожаат қилиш ва у билан маслаҳатлашишдир.

Оилавий шифокорлик пункларида, оилавий поликлиникаларда, кўп тармоқли марказий поликлиникаларда “тиббий бригадалар” фаолияти босқич-ма-босқич йўлга қўйилиши, навбатларга чек қўйилиши назарда тутилмоқда. Дастлаб Тошкент вилоятимизнинг Олмалиқ шаҳри, Юқоричирчик, Пскент, Зангиота, Окқўрғон тумаларини кўп тармоқли марказий поликлиникаларида фуқаролар масофадан, яъни телефон орқали навбатга ёзилиб, ўзларига маъқул вақтда оила шифокори қабулига келиши учун барча шароит яратилмоқда. Оилавий шифокор томонидан тор соҳа шифокорларига йўлланма билан юбориш йўлга қўйилмоқда. Президентимизнинг 2021 йил 28 июлда қабул қилинган “Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”-

ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоятимизда тиббиёт муассасалари ва Давлат тиббий сугуртаси жамғармаси ўртасида шартномалар тузилган. Оғир беморлар пойтахтга бориб вақт ва маблағ сарфлашининг олдини олиш мақсадида вилоятимиздаги 2 та муассаса билан ҳамкорлик қилинмоқда. Булар вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази, вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларидир. Ҳозирда мазкур шифохоналар врачлари томонидан жами 125 нафар беморда юқори технологияли операциялар амалга оширилди. Бунда жамғарма даволанган ҳолатлар учун ҳақ тўлайди ва беморга кўрсатилган тиббий хизматлар сифатини тасдиқланган стандарт ва протоколларга мувофиқлигини назорат қилади. Бунда имтиёзли тоифага кирувчи бемор электрон ахборот тизими орқали навбатга қўйилади. Ушбу йўлдан маасосида Жамғарма билан шартнома тузган тиббиёт муассасасида беморга бепул юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатилади. Сўнгра тиббиёт муассасаси даволанган беморга базавий нарх доирасида сарфланган барча харажатлар (тиббий хизмат, дори воситалари, тиббий буюм ва сарфлов материаллари, озиқ-овқат, бемор даволанган ўрин-қунлари сони ва бошқалар) акс этган далолатнома тузади. Мазкур ҳисоб-фактура бемор даволаниб чиққан кундан кейин 5 иш куни ичида Жамғармага қоғоз шаклда ёки электрон дастур орқали юборилади. Жамғарма бажарилган ишлар далолатномаси ҳамда ҳисоб-фактура асосида тўловларни 10 иш куни ичида амалга оширади.

Вилоятимизда ҳозирги кунда Давлат тиббий сугуртаси тизимига тўлиқ ўтишга тайёргарлик кўрилмақда. Ҳар бир оилавий шифокорлик пункти, оилавий поликлиника, кўптармоқли марказий поликлиника, шифохонанинг тиббий асбоб-ускуналари, компьютер жамламалари, тиббиёт ходимлари билан таъминланиши ўрганиб чиқилиб, вилоят шифохоналари, туман, шаҳар тиббиёт бирлашмалари раҳбарларига кўрсатмалар берилмоқда.

Олимжон ИСАКОВ,

Республика давлат тиббий сугурта жамғармасининг Тошкент вилояти ҳудудий мутахассиси.

ОПАСНОЕ СОСТОЯНИЕ

СЕРДЦЕ ПЕРЕСТАЕТ ОТДЫХАТЬ

За жизнь сердце совершает работу, равную работе эскалатора, поднимающего электричку на вершину Эвереста. Безусловно, такая серьезная работа едва ли возможна без полноценного отдыха органа.

Между тем есть состояния, связанные с повышенным давлением, при которых сердце не отдыхает и полностью не расслабляется. И это опять же в ситуации, когда орган за одну минуту перекачивает порядка 4-5 литров крови. Об опасном отклонении **рассказала кардиолог Ольга Бокерия.**

Так, сегодня к врачам достаточно часто обращаются пациенты с артериальной гипертензией. При

таком состоянии как диастолическая дисфункция (есть практически у 100% гипертоников) насосная функция сердца сохранена, а иногда даже повышена. Отклонению часто не уделяют должного внимания, ведь все работает.

“Как это отразится на сердце? Представьте себе работу в три смены без выходных и отпуска. Сколько вы выдержали бы? Человек без отдыха может прожить 5-7 суток.

Сердце с диастолической дисфункцией может сохранять насосную функцию несколько лет”, - **отметила Ольга Бокерия.**

Если орган недостаточно отдыхает, то рано или поздно это может привести к сердечной недостаточности. Как уточнила кардиолог, сердечная недостаточность, как исход, развивается в 80% случаев, если не проводится адекватное лечение.

Врач призвала при периодическом повышении давления не медлить и как можно быстрее обратиться к врачу, чтобы не довести до печальных последствий.

“В норме у взрослого человека в



спокойном состоянии давление не должно превышать 120/80 мм рт.ст. независимо от возраста”, - напомнила специалист, подчеркнув, что “самостоятельно лечиться не надо”, с кардиопрепаратами это может быть опасно.

Оксана ГРИБАНОВА.

МУХИМ ХУЖЖАТ

ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ВА ТИББИЙ БУЮМЛАР ХАРИДИ БЎЙИЧА МУТАХАССИС ЛАВОЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Президентимизнинг “Аҳолини сифатли дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридан белгиланганидек:



– 2023 йил 1 июндан бошлаб референт нархлари қайд этилмаган ёки қайд этилган нархдан юқори бўлган дори воситаларини сертификатлаштириш тақиқланади.
Шунингдек, 2022 йил

яқунинга қадар:

– 2025 йил 1 январгача бўлган муддатда давлат рўйхатидан ўтказмасдан мажбурий сертификатлаштириш шартини билан тиббиёт амалиётида қўллаш ва ки-

ритишига рухсат берилмаган, Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтказилган аналоглари мавжуд бўлмаган дори воситалари ва тиббий буюмлар рўйхати тасдиқланади.

– Беморларни даволаш учун талаб этиладиган дори воситалари ва тиббий буюмларнинг тўлиқ шифохона томонидан харид қилинишини инобатга олиб, шифохоналарда дори воситалари ва тиббий буюмлар хариди бўйича мутахассис лавозими жорий этилади.

– Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан харид қилинган дори воситалари ва тиббий буюмларнинг қўлқонда ҳамда нархлари манбалар кесимида шифохоналарнинг расмий веб-сайтларида жойлаштирилади.

ЯНГИ ҚАРОРГА МУВОФИҚ



Янги қарорга мувофиқ, 2023 йилда тажриба-синов сифатида Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси орқали молиялаштирилади.

17 та ихтисослаштирилган марказ ва 8 та республика шифохоналарида беморларни до-

ри ва тиббий буюмлар билан таъминлаш шифохона орқали амалга оширилади. Бунда, беморларга давлат томонидан кафолатланган тиббий хизматлар доирасида дори ва тиббий буюмлар бепул, қолган ҳолларда пуллик асосда, шифохонага кириш қилинган нархларда берилди.

QR-КОДЛИ ХАРИД ЧЕКИ ОРҚАЛИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИНГ НАРХИ ТЕКШИРИЛАДИ



Президентимизнинг “Аҳолини сифатли дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига кўра:

– 2023 йил 1 майдан бошлаб жисмоний шахслар томонидан сотиб олинган дори воситалари учун дорихоналар берган QR-кодли харид чекини сканерлаш орқали солиқ органларининг махсус мобил иловасида рўйхатдан ўтказилганда, дори воситалари нархлари Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг ахборот тизимидаги дори воситаларининг чакана референт нархлари билан автоматик тарзда солиштирилади.

– QR-кодни сканерлаш натижасида дори воситаларининг чакана нархларига белгиланган устамалар ошириб қўлланилганлиги аниқланган тақдирда, тегишли чора кўриш учун бу ҳақида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун махсус ваколат берилган давлат органига автоматик равишда хабар юборилади.

– Харид чеки бўйича нарх дори воситасининг чакана референт нархидан ортиқ деб топилганда, ушбу маълумот асосида ўтказилган текшириш якунига кўра ҳуқуқбузардан белгиланган тартибда жарима ундирилади.

– Харид чекида сотиб олинган дори воситалари ва тиббий буюмларнинг тўлиқ миқдорда кўрсатилмаслиги савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидалари тўғрисидаги қонунчиликни бузиш сифатида эътироф этилади.

Uzpharmagency

РЕЦЕПТСИЗ БЕРИЛАДИГАН ДОРИ ВОСИТАЛАРИ РЎЙХАТИНИ ТАСДИҚЛАШ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолини сифатли дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Унга кўра, 2023 йил 1 январдан бошлаб янги дори воситалари клиник тадқиқотларнинг ижобий натижаси асосида давлат рўйхатидан ўтказилади. Алоҳида дори воситаларини клиник тадқиқотларсиз давлат рўйхатидан ўтказиш Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади ва жойига чиққан ҳолда ишлаб чиқариш шароитларининг “Зарур ишлаб чиқариш амалиёти – GMP” талабларига мувофиқлиги ўрганилганидан сўнг давлат рўйхатидан ўтказилади.

– Шунингдек, рецептсиз берилмаган дори воситаларининг рўйхатини Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқлаш



тартиби бекор қилинади.

– Дори воситаларининг рецепт бўйича ва рецептсиз берилиши уларнинг тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаларда белгиланган тартибда амалга оширилади.

– Дори моддаларини (субстанцияларни) давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби ва Ўзбекистон Республикасидан ташқарида амалга оширилган

дори воситаларининг рўйхатдан ўтказиш натижаларини тан олишда стандарт намуналарини талаб этиш ҳам бекор қилинади.

– Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси орқали молиялаштирилмаган республика даражасидаги давлат стационар тиббиёт муассасаларида беморларни дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш шифохона орқали амалга оширилади.

– Алоҳида ҳолатларда шифохонада беморлар томонидан олиб келинган дори воситалари ва тиббий буюмларни ишлатишга рухсат бериш тартиби эса Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

– Беморларни шифохонанинг ўзида дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш республика даражасидаги шифохоналарда 2023 йил давомида тажриба-синов тариқасида амалга оширилади.

Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир
Амрилло ИНОЯТОВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган кўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Ташкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30 уй, 2–қават.
Тел/факс: (71)233-13-22, тел.: (71)233-57-73. Газета 2009 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0015-рақами билан рўйхатга олинган.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 673 нусха.
Буюртма Г-1140

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи: Нарзулла Хамроев

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.